



## ЎРТА КИМЁ ТАЪЛИМИ “КИМЁ” ПРЕДМЕТИ МАЗМУНИНИНГ ТАЪЛИМ- ТАРБИЯВИЙ АХАМИЯТИ

**Миркозимжон Нишонов**

*Фарғона давлат университети кимё кафедраси профессори, техника  
фанлари номзоди*

**Нафисахон Юсуфова**

*Фарғона давлат университети магистранти*

**Аннотация:** Ушбу мақолада ўрта кимё таълими “Кимё” предмети мазмунининг ўқувчиларни тарбиялаш вазифасини уddaлашдаги ахамияти кўрсатилган.Хозирги даврда ўрта мактаблар учун қўлланилаётган кимё предмети намунавий дастурларида ифода этилган кимё таълими мазмунининг тўғри танланиши ва қўлланилиш ахволи келтирилган.Дастурда ифода этилган мазмунининг тўғри танланиши ҳозирги замон ёшлигини ҳар томонлама етук ва баркамол инсон қилиб тарбиялаш ишига хизмат қилиши қўрсатилган.

**Калит сўзлар:** таълим мазмуни, кимё таълими ,намунавий дастур, дарслик,  
ўқитиши методикаси.

## ВОСПИТАТЕЛЬНАЯ ЗНАЧИМОСТЬ СОДЕРЖАНИЯ ПРЕДМЕТА «ХИМИЯ» СРЕДНЕГО ХИМИЧЕСКОГО ОБРАЗОВАНИЯ

**Миркозимжон Нишонов**

*Ферганский государственный университет, профессор кафедры химии,  
кандидат технических наук.*

**Нафисахон Юсуфова**

*магистрант Ферганского государственного университета*

**Аннотация:** В данной статье показано значение содержания предмета «Химия» среднего химического образования в выполнении задачи воспитания учащихся.Приведено состояние правильного подбора и применения содержания химического образования, выраженного в типовых программах предмета химии . Показано, что правильный подбор содержания химического образования служит задаче воспитания молодых людей, чтобы они стали зрелыми и всесторонне развитыми людьми.

**Ключевые слова:** содержание обучения, химическое образование, примерная программа, учебник, методика обучения.





## EDUCATIONAL SIGNIFICANCE OF THE CONTENT OF THE SUBJECT "CHEMISTRY" OF SECONDARY CHEMISTRY

**Mirkozimjon Nishonov**

*Fergana State University, professor of chemistry department, candidate of technical sciences, Fergana city, Republic of Uzbekistan.*

**Nafisakhon Yusufova**

*graduate student of the Ferghana State University*

**Abstract:** This article shows the importance of the content of the secondary chemistry subject "Chemistry" in fulfilling the task of educating students. The correct selection and application of the content of chemistry education expressed in the sample programs of the chemistry subject used for secondary schools at the present time is presented. It is shown that it serves the task of educating a mature and well-rounded person.

**Key words:** educational content, chemical education, sample program, textbook, teaching methodology.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришганидан сўнг мамлакатимиз таълим тизими тўлиқ ислоҳот қилинди. Айниқса узлуксиз таълим тизимининг барча бўғинлари мазмуни қайтадан кўриб чиқилди.

Жумладан, ўрта таълим ва предметлар мазмуни бундан мустасно эмас.

Ўқув предметларининг мазмуни жамиятнинг мактаб олдига қўйган мақсади билан аниқланади.

Ўзбекистон Республикаси мактабларининг етакчи мақсади ҳар томомлама етук, ватанимиз мустақиллигини қадрлайдиган комил инсонни тарбиялаш ҳисобланади.

Кимёдан намунавий давлат дастури ва дарсликлари [1-4] да ўрта мактаб кимё предмети ўсиб келаётган ёш авлодни кимё фанининг асосларидан мустаҳкам билим билан тамиллаш фан ва техниканинг ривожланиш даражасини инобатга олган ҳолда меҳнат ва политехник жиҳатдан тайёрлаш, шунингдек энг муҳим жиҳатлар (ахлоқий, иқтисодий, экологик, эстетик ва ҳ.к.о.) бўйича тарбиялаш зарурлиги белгилаб берилган. Ушбу мақсадларга эришишнинг асосида ўқувчиларни ақлий жиҳатдан замонавий билим асосларини ўзлаштириш жараёни ётади. Табиат ва жамият ривожланишининг қонуниятларини назарий асосларини англаб этиш илмий дунё қарашни шакллантиришга замин яратади. Илмий билимлар политехник таълимнинг асосини ташкил қилиб меҳнат турларини ижодий ўзлаштиришга имкон беради.

Маълумки кишиларнинг кенг ақлий ривожланишиз фан техника ва ишлаб чиқаришнинг кейинги тараққиёти бўлиши мумкин эмас. Дунёқараш ва ғоявий этиқодни шаклланиши билан боғлиқ ҳолатда инсоний сифатлар вужудга





келади. Тўғри баҳолай олиш , дидни тарбиялаш, гўзалликни тушуна олиш билимларини эгаллаш эстетик жиҳатдан тарбияланишга олиб келади.

Мактабнинг умумий мақсади ва вазифаларидан келиб чиқсан ҳолда кимёни ўрганиш ўқувчилар билимини бойитишга, уларни ақлий ривожлантиришга, ўқувчиларда дунё қарашни шакллантиришга ҳисса қўшади. Ўқувчиларни меҳнатга политехник таййрлаш ҳаётий позицияларни эгаллаш ишига ёрдам беради. Методик ҳарактерни кимёвий шаклиниг ўзгаришларини тадқик қилган ҳолда кимё ва унинг қоидалари ва уларнинг инсон фаолиятида қўлланилишини ўргатади . Материя ҳаракатининг иккита энг муҳим турларида модда ва майдон -моддалар дунёси, уларнинг доимий ўзгаришлари ҳаётийлик асоси ҳисобланади ва уни кимёвий ўрганмай туриб англаб етиб бўлмайди.

Кимё курсининг ўқувчилар илмий дунёқарашини шакллантиришдаги аҳамияти жуда каттадир. Кимё предметини ўрганиш жараёнида ўқувчиларда дунё ва уни ўрганишда кимёнинг бошқа фанлар орасидаги ўрни ҳақида умумий илмий тасаввур ривожланади. Кимё моддалар ва уларнинг ўзгаришини ўргатар экан, табиатни доимий ўзгариб, ривожланишда бўлишини тушунтиради. Моддаларнинг таркиби ва тузилишини атомларнинг ҳозирги замон таълимоти асосида ўрганиш дунёниг яхлитлиги ҳақидаги тассавурни шакллантиришга муносиб ҳисса қўшади. Яъни кимёвий элементлар оддий ва мураккаб моддалар , органик ва анорганик моддалар коинот моддаларининг моддий бирлиги ҳақидаги тассавурларни эгаллашга ёрдам берди. Моддаларнинг тузилиши ва кимёвий ўзгаришларга тавсиф берилганда уларнинг иккиласми ва қарама-қарши тавсифи ёритилиши ҳамда қарама- қаршиликларнинг ўзаро таъсири кўрсатилиши мумкин. Атом таркибидаги қарама- қарши зарядланган заррачалар, оксидловчи ва қайтарувчи , металл ва металлмас, кислота ва асос моддалар, атомларнинг бирикиши ва ажralиши, кимёвий мувозанат иккита қарама-қарши жараёнларнинг бирлиги сифатида барчаси ўқувчиларни табиатнинг умумий ривожланиш қонуниятларини тушунишига олиб келади. Худди шундай кўплаб фактлар асосида улар ривожланиш, янги сифатнинг бўлишига ишонч ҳосил қиласидар.

Кимё қонунларини эгаллаб, ўқувчилар уларни қўллашни ўрганадилар, у ёки бу жараёнларни амалга ошириш мумкин ёки мумкин эмаслиги ҳақида фикр айтадилар ва сўнgra уларни амалга оширадилар. Буларнинг барчаси илмий билимларнинг ҳаққонийлигидан гувоҳ беради. Шундай қилиб, кимё моддалар дунёсини англаш мумкин ва амалиётда билимларни ҳаққонийлигини исботлаш мумкинлигини далиллар билан ишонтиради. Ўрганилаётган фактларни тушунтириш мақсадида, микродунё соҳасига чуқурроқ кириб бориб, кимё ҳодисасидан моҳиятга анча чуқур кириб боришнинг илмий билиб олиш йўлини ҳам кўрсатади.

Кимё асосларини ўрганишда ўқувчилар дунёқарашини шакллантиришда муҳим бўлган бошқа ғояларни ҳам ривожлантириш мумкин. Кимё на фақат





табиат қонунларини англаб етади, балки бошқа фанлар қатори дунёни тушунтириб беради. Кимё инсонни унинг ишлаб чиқариш фаолияти учун зарур бўлган билимлар билан қуроллантиради. Зарурий модда ва материалларни завод миқёсида олиш мақсадида жараёнларни амалга ошириш имконини беради. Кимёning мана бу амалий томонларини ёритмай туриб, ҳозирги замон фани асослари тўғри қабул қилинmasлиги мумкин. Кимё жамиятни ривожлантирувчи кучлардан бири эканлиги ҳозир ҳеч кимда шубҳа туғдирмайди. У ўқувчиларни политехник тайёрлашда ва уларда илмий дунёқарашни шакиллантиришда муҳим рол ўйнайди. Маълумки, политехник тайёрлаш вазифасига ўқувчиларни ҳозирги замон ишлаб чиқарилари ва унинг асосий соҳалари билан назарий ҳам амалий таништириш киради. Шунинг учун ўқувчилар кимёвий ишлаб чиқаришни уларнинг илмий асосларини ва бошқа соҳаларни ривожлантиришда кимёning аҳамияти ҳақида билимлар олиниши зарур. Моддаларни саноат миқёсида олиш жараёнлари аҳамиятини ўрганиш политехник таълим вазифасини ҳал қилиш билан бир қаторда ўқувчиларнинг ғоявий- сиёсий жиҳатдан тарбиялашда ҳам катта имкониятлар очади. Мактабда кимёвий ишлаб чиқарилар фақат илмий техник нуқтаи-назардан эмас, балки республикамизнинг мустақил ривожланиши шароитида гуркираб ўсаётган соҳа сифатида ҳам қаралиши керак. Бу мамлакатимиз саноатини мустақиллик даврида эришган ютуқлари ва унинг ҳукуматимиз томонидан берилган кейинги ривожланиш истиқболлари билан тенгглаштириш имконини ҳам беради. Бунда бизнинг шу соҳадаги ўсиш суръатларимиз халқ ҳўжалиги учун зарур бўлган ва аҳамиятли бўлган модда ва материалларни ишлаб чиқариш жараёнларининг илмий моҳияти ҳам тушунтирилиб берилади. Бундай ёндашув кимёning кишилар турмуш фаравонлигини оширишдаги аҳамиятини яна бир чуқурроқ англаб олишга имкон беради. Мактабни энг муҳим вазифаларидан бири ватанпарварлик руҳида тарбиялашдир. Ўзбекистонда кимё фани ютуқлари кимёни риволантиришдаги олимларни ролини ёритиш, кимёвий ишлаб-чиқариш вазифаларини ва муваффақиятлари билан таништириш шу сифатларни тарбиялашнинг қудратли воситасидир. Ўргатилаётган кимёвий материаллар асосида олимлар ва ихтирочилар кимё фанини бойитганлигини, айниқса О.С.Содиков, С.Ю.Юнусов, Х.У.Усмонов, М.Н.Набиев, М.А.Асқаров ва бошқа ўзбек олимлари ҳам шу фанлар ривожланишига катта ҳисса қўшганлиги ва қўшаётганлигини кўрсатиш мумкин. Бу бизнинг миллий ифтихоримизни ташкил қиласида ва ватанпарварлик ҳисларимизни чуқурлаштиради. Тарбиялаш мақсадида кимё фанининг интернационал тавсифини кўрсатиш мумкин. Уни ривожланишига турли мамлакатларнинг олимлари ҳисса қўшган ва қўшаётганлигини кўрсатиш муҳимdir. Дастур материали мазмунига мувофиқ дарсларда М.В.Ломоносов, Д.И.Менделеев, А.М.Бутлеров, Н.Д.Зелинский, И.А.Каблуков, С.В.Лебедов, А.Э.Ферсман, Н.С.Курнаков, А.Э.Фаворский, В.А.Каргин, П.А.Ребиндер, Н.Н.Семёнов, А.Н.Несмеянов, Лавуазье, Далтон, Авогадро,





Каницциаро, Кекуле, Франкланд, Купер, Бертло, Эмил Фишер ва бошқаларнинг ишлари кўрсатилиши мумкин [ 6-8 ].

Мактабнинг энг муҳим вазифаларидан бири ўқувчиларни эстетик жиҳатдан тарбиялашдир. Кимё бу муаммони ечишга бошқа фанлар каби катта ҳисса қўша олмаса ҳам, бу вазифа ўқитувчилар олдида туриши лозим. Тарбиялашнинг ушбу етакчи вазифаси таълим мазмунига эмас, балки уни ташкиллаш ва методларга таалуқлидир. Шу мақсадда кўп ўқитувчилар кимё хонасини жиҳозлашга катта аҳамият берадилар. Кимё хонаси юксак дид ва қаттият билан, мазмунли расмийластирилиши керак. Ўқувчиларнинг доскадаги ёзуви ёқимли чиройли асбоблар, кимёвий идишлар, моддалар солинган идишлар жуда тоза бўлиши керак. Эстетик тарбияга тажриба намойиши ўтказиладиган эстетик қабул қилишга тўғри ва пухта йиғилган асбоб, радијасиз бажариладиган тажриба намойишининг илму усуслари, қатъий холосалар катта тасир кўрсатади [ 9-13 ].

Ушбу барча воситаларни такомилластириш билан бир қаторда ўқувчиларга ўргатилаётган материалдаги ва англаш жараёнидаги гўзалликни ҳис қила билиши ҳисобланади. Қарама- қаршиликни, келиб чиққан муаммони мохиятини заҳматли излаш, ечимини топпишмантиқан қатъий ва тўғри тушунтириш-буларнинг-барчаси илмий тузилмалардаги, ҳақиқатни излашдаги гўзаллик ва ҳис ҳаёжонларни тарбияламоғи лозим.

Кимё ўқитишининг асосий вазифалари гўёки битта умумий вазифада – ўқувчиларни меҳнат тарбиясида бирлашади. Билимлар дунёқарашни, политехник дунёқараш тафаккурини, эстетик дидларни ривожлантириш ва ҳоказолар комил инсонни тарбиялаш ва ўқувчиларни меҳнат фаоллигига таёрлашга ҳизмат қилиши лозим.

Меҳнат тарбиясини такомилластириш мактабнинг энг муҳим вазифаларидан бири эканлиги ҳукуматимиз томонидан қабул қилинган бир қатор буюрувчи ва меёрий ҳужжатларда таъкидлаб ўтилган [5 ].

Шундай қилиб, меҳнатга нисбатан онгли муносабатда бўлиш , уни севиш, меҳнат қила олишни тарбиялаш мактаб ва фан ўқитувчиларнинг етакчи вазифаларидан бири ҳисобланади. Ушбу вазифани ҳал қилишга таълим мазмuni ва ўқитиши усуслари ҳам ҳизмат қилиши лозим. Ўқувчиларнинг эришган ютуқлари бўйича таълим кўрсаткичлари бўлиб кимё фанини ўрганишга бўлган муносабат, уларнинг уй вазифаларини бажара олишлари, ўқув ишларини бажариш жараёнидаги етишмовчиликларни қандай енгиш, лаборатория ва амалий ишларни бажара олиши, ўқувчининг турли ҳилдаги вазифаларини бажара олиши, экспурсия пайтида ўзларини тута билиши ва бошқалар хизмат қиласди.





## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1.С.Тешабоев, М.Нишонов, К.Турдиева."Кимё" ўқув предметидан намунавий дастур.Тошкент."Ўзбекистон" нашриёти.1999 йил.

2.А.Мамажонов,С.Тешабоев,М.Нишонов."Анорганик кимё".Ўрта мактабнинг 8 синф ўқувчилари учун дарслик."Ўқитувчи" нашриёти.1995-1999 йиллар.

3.С.Тешабоев,М.Нишонов."Анорганик кимё".Ўрта мактабнинг 7 синф ўқувчилари учун дарслик."Ўқитувчи" нашриёти.1995-2005 йиллар.

4.С.Тешабоев,М.Нишонов."Анорганик кимё".Ўрта мактабнинг 9 синф ўқувчилари учун дарслик."Ўқитувчи" нашриёти.1998 -2005 йиллар.

5."Таълим тўғрисида"ги Конун ва "Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури.Тошкент." Ўзбекистон" нашриёти 1997 йил.

6.Nishonov M.F., Urinova O. U., Ismailova N.B. Modern technologies of project work in teaching chemistry.

Дата публикации 2020 г. Журнал Проблемы современной науки и образования номер 3 (148).Страницы 52-54 .

7.М.Ф. Нишонов, О.У. Уринова. Оптимизация процесса повторения в системе непрерывного образования.Дата публикации 2019г. Журнал Проблемы современной науки и образования.номер 12-1 (145).Страницы 81-83

8.М.Нишонов, Х. Абдуллажонов, А. А.Хайдаров, А.О. Собиров. Инновационный подход к обучению курса «химия» в направлении «технология пищевых продуктов» Дата публикации 2019 г. Журнал Universum: технические науки.Номер 12-2 (69). Страницы 33-36.

9.Abdullaeva U.G., Nishonov M.F., Ormonov S.M. Ways of ecological education and training in the training of future chemistry teachers. Дата публикации 2021/2/5 Журнал European scholar journal Том 2. Номер 2. Страницы 94-95 .

10.Abdullaeva U.G., Nishonov M.F., Ormonov S.M. Methods of ecological education and ecological education in teaching metals .Дата публикации. 2021г.Журнал Academicia: an international multidisciplinary research journal том11. Номер1.Страницы 746-748.11.М.Ф.Нишонов, А.М.Жуманов. Реализация межпредметных связей как одно из направлений в подготовке будущего учителя биологии.Дата публикации 2011г.Журнал Педагогические науки.Номер 4.Страницы 131-134

12.Nishonov M, Yunusov M. M. Preparing future chemistry teachers to introduce reproduction .Дата публикации 2021/9/8

European journal of humanities and educational advancements (ejhea) available online at: <https://www.scholarzest.com> vol. 2 no. 9, september , page 94 -97.

13.М.Ф.Нишонов, М.М., Г. Р. Курбонова. Преподавание темы «Азотная промышленность» нетрадиционным методом.Дата публикации 2020г.Журнал Проблемы современной науки и образования. Номер 12-2 (157). Страницы 39-42

